



НУТҚ ТОВУШЛАРИ ТАЛАФФУЗИДАГИ КОННОТАТИВ МАЬНОЛАР

Норова Мавлуда,
БухТИ ўқитувчиси

Калит сўзлар: денотатив, коннотатив, сонор, жарангиз, экспрессивлик, шартли сигналлар, вариантдошилик, артикуляцион, акустик, прагматик.

Ўзбек тилида унли ва ундош фонемаларнинг талаффида вариантдошилик ходисаси мавжуд. Ана шу вариантдошилик уларда турли хил коннотатив маъноларни ҳосил қиласди. Қаерда вариантдошилик мавжуд бўлса, у ерда танланиш, тилда эса қўшимча маъно ҳосил бўлади [1, 36]. Қўшимча маъно нафақат сўзларга, балки уни ташкил этувчи нутқ товушларига ҳам тааллуқлидир. Бошқача айтганда, ҳар бир унли ёки ундош товуш ўзига хос турли хил қўшимча маъноларга эга.

Унли товушлар турли хил интонация билан айтилиши, бўғин ҳосил қилиши, ургу қабул қилиши каби просодик хусусиятларга эга. Шунинг учун уларда коннотатив маънолар серкирра ва даражаланган бўлади. Бу ўринда инглиз ва ўзбек тилларидаги баъзи унли товушлар талаффизи билан боғлиқ ҳолда ҳосил бўладиган айрим коннотатив маънолар хақида фикр юритамиз.

И товуши артикуляцион томондан тил олди ва юқори тор ҳолатда талафуз қилинганлиги учун жуда ҳам чўзиқ айтилмайди. Шу сабабли, ундан англашилган коннотатив маъноларда ўта таъсирчанлик юқори бўлмайди. И унли фонемаси қаттиқ ва юмшоқ вариантларда талафуз қилиниши ўзбек тили қипчоқ ва ўғид шевалари вакиллари нутқини характерловчи қўшимча бўёқдир. Ундан ҳосил бўладиган коннотатив маънолар кўп ва даражаланган бўлади. Шунингдек, и фонемаси ҳам қаттиқ ва юмшоқ вариантларга эга эканлиги коннотатив маъно миқдорини оширади. Булар қуйидагилар: нутқ артикуляциясига кўра: кучли ёки кучсиз ҳаяжон, эсанкираш, тўлқинланиш, безовталик, ажабланиш, ҳайрат, ишончсизлик, кутилмаганлик,

ғазаб, ўйлаб қолиш, хурсандлик, хафалик, ҳадиксираш, эслаш ва ҳоказо.

Юқоридагилардан кўринадики, биргина и унлисининг талаффида ҳосил бўладиган қўшимча маъно бўёклари ниҳоятда кенг ва серкиррадир.

Ўзбек тилидаги и фонемасига хос бўлган коннотатив маънолар инглиз тилидаги и фонемаси талаффида коннотатив маънолар билан қиёсланганда, уларда баъзи ўхшашлик ва фарқли томонлар кўзга ташланади. Буни қўйидаги ҳолларда қўриш мумкин. Инглиз тилидаги унли товушлар бўғин типларига кўра ажратилади. Масалан, i [aɪ] фонемаси ёпиқ бўғинда қисқа [ɪ] товушини, очиқ бўғинда эса [aɪ] товушини ифодалайди. Нутқда i унлисини атайлаб чўзиб талафуз қилинганда, унда ҳайратланиш, ишончсизлик, таажжубланиш каби қатор коннотатив маънолар пайдо бўлади.

Масалан: - Are you very *ri:ch*?

- No, living from hand to mouth!
(B. Show).

Шунингдек, бадиий нутқда i [aɪ] унлисининг сўз бошида такрор келиш ҳолатини ҳам кузатиш мумкин.

I-I am terribly sorry my dear, sir.

I mean madam, -I-I-oh, God! (R. Gordon).

Мисолдаги i фонемасининг такрор ишлатилиши нутқий парчада ялиниш, илтимос, илтижо, соғиниш, ёлвориш каби қатор коннотатив маъноларни ифодалайди.

У фонемаси юқори тор, лабланган унли бўлиб, ўзбек тили шеваларида турли хил вариантларга эга эмас. Мазкур товушни нутқда чўзиб айтиш ниҳоятда чегараланган. Шунга қарамай, унда оҳангдорлик мавжуд бўлганлиги учун турли хил коннотатив маънолар ифодаланади. Жумладан, ажабланиш,



сүроқ, писанд қилмаслик, иккиланиш каби қатор қўшимча маънолар англашилади. Бу ҳол кишилар орасида нутқий жараённи сермазмун ва жозибадор қиласди.

Инглиз тилидаги **u** фонемаси маъно фарқлаш хусусиятидан ташқари яна турли хил қўшимча маъноларни беради. Инглиз тилида нутқий жараённи **u** фонемасини чўзиш орқали бир қанча қўшимча маънолар пайдо бўлади. Жумладан, таажжуб, иккиланиш, хайратланиш, ишончсизлик каби.

- Tush! Where are the others?
- At the front.
- Quite right. Why aren't you... at the front?
- Over age. Fifty seven. (B. Show)

Кўринадики, қиёсланаётган тилларда у фонемаси талаффузидаги коннотатив маънолар айнан бир хил ёки бир-бирига яқин ифодаланган.

О унлиси тил орка қуи кенг бўлиб, баъзи сўзларда морфонологик ўзгаришларга учрайди. **О > a** га ўтади: *онг – англа, сон-сана* ва шундай ёзилади. Аммо кекса авлод нутқида *онгла, сона* шаклида талаффуз қилинганда, қўшимча коннотатив маъно хосил қиласди. Худди шунингдек, **o** унлиси рус тилидан ўзлашган сўзларда бошқачароқ талаффуз қилинади. **O > ў** га ўтади: *том-тўм, токтўк, сок-сўк, ноль-нўл*. Бундай ҳолат бадиий адабиётда персонажлар нутқида учрайди. Бундай қўллаш уларнинг билим даражаси, савияси каби қўшимча маъно, маълумотларни акс эттиради.

О фонемасининг турли хил талаффузи натижасида қуидаги коннотатив маънолар англашилади: **o** деганда қувонч, роҳатланиш, хайрат, қоникиш, маза қилиш, лаззатланиш, ишончсизлик, эслаш ва бошқалар.

О фонемасининг юқорида қайд қилинган коннотатив маънолари асосан бадиий ҳамда сўзлашув нутқий услубларида ёрkin акс этади.

Юқорида таҳлил қилинган барча унли фонемалар сўзнинг турли ўринларида: сўз бошида, ўртасида ва охирида чўзиб ёки қисқа айтилиш хусусиятига эга. Бу хусусиятига кўра унли

фонемалар ўз навбатида турли хил коннотатив маъноларни юзага келтиради. Чоғиширинг: *O...o..одамлар - ода-а-амлар - одамла-а-ap*. Сўзнинг охириги бўғинида чўзиқ айтилган унлида ҳис-ҳаяжон ниҳоятда кучли ифодаланган. Яна чоғиширинг: *Бухоро-о-о-о! Она-а-а! Бола-ам!*

О [ou] фонемасининг талаффузи ҳам инглиз тилида бўғин типлари билан боғлиқ. Очиқ бўғинда **o** унлиси талаффуз қилинади [əʊ] шаклида: go, no, so каби. Ёпик бўғинда эса [ɔ] товуши орқали (not, pot, dog) талаффуз қилинади. Аммо сўзда **o** унли товушини чўзиб талаффуз қилиш орқали қўркиш, довдираш, кучли ғазаб каби коннотатив маънолар пайдо бўлади.

Масалан: *Suddenly he cried: Santyago-o-o!* (I. Voynich).

Инглиз тилидаги **o** унли товушини чўзиш орқали дўқ, пўписа, қаҳр-ғазаб каби коннотатив маънолар ифодаланади.

Масалан: *Don't tell him - Do-o-o-n't tell him please!*

Юқоридаги мисолда **o** товушини чўзиш илтимос, ялиниш каби коннотатив маънони ифодалайди.

Худди шундай ҳолатни ўзбек ва инглиз тиллари ундош товушларини нутқда такрор қўллаш орқали ҳам кузатиш мумкин. *Одамларр! эшиштадим демангларр!* Бундаги кучли ҳаяжоннинг ифодаланишида сонор товушининг ўрни ҳам катта.

1) He surprised and said: **G-g-good morning! C-c-come in!**

2) Whatever have you get there?

- Chocolate creams and English toffee.

- Who this is **I-luxury** for a king?

- **R-r-really?** Well you must get him.

- **S-s-some** more tomorrow and give me these to take with me.

- No, let me **p-p-put** the toffee in my pocket.

3) Marvelous - **m-m-marvelous** - (жуда ажойиб). *I r-r-r-ruin my chocolates by remaining with a ladyship so in flame.*

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, бадиий тасвирнинг таъсирчанлиги, асар жозибадорлигини



таъминлашда ундош товушларни иккилантириб талаффуз қилиш мұхим фоностилистик восита бўлиб хизмат қиласи.

Тадқиқотларимиз унли фонемаларни якка ҳолда чўзиб ёки қисқа талаффуз қилинишидаги қўшимча маънолари билан сўз таркибида қисқа ёки чўзиқ айтилишидаги маънолар фарқланишини кўрсатди. Якка ҳолда чўзиб талаффуз қилинган унлида чексизлик ва мусикийлик кучли бўлади. Бу ҳолат кўпинча халқ қўшиклари, айниқса, “Катта ашула”лар ижросида учрайди. Маълум бир сўз таркиbidаги унли фонемаларни белгиланган даражадан ортиқ, ўринисиз чўзиш эса маънони кучайтириш ўrniga, унинг оҳангига ва мазмунини бузади. Бошқача айтганда, киши онгига салбий таъсир қиласи.

Коннотатив маънолар ундош товушларнинг кўпчилигига хам алоқадордир. Буни жаранглилик хусусиятига эга бўлган ундош фонемаларнинг талаффузида яққол кўриш мумкин.

Ўзбек алфавитида **ж** ва **ж** (**дж**) жарангли ундошлари бир белги (харф) билан ёзилади, аммо, талаффузда икки хил айтилади. **Ж** – қоришиқ (**дж**) ва **ж** – сирғалувчи ундошлари икки хил: **жуда, жума, жун, жўра** каби сўзларда қоришиқ; **Фиждуон, аждар, жюри, журнал, жирафа** сўзлари таркибида сирғалувчи ундош сифатида талаффуз қилинади. Бундай талаффузнинг ўзгариши сўзнинг денотатив маъносини ўзgartирмай, унинг коннотатив маъносига кучли таъсир қиласи. Яъни сўзловчининг бошқа тил вакили ёки нутқий савиясини кўрсатади. Шу сабабли уларнинг қўшимча маънолари хам онгимизда турлича акс этади. Буни ўзбек сўзлашув нутқида яққол кўриш мумкин. **Ж** жарангли ундоши сўзлашув нутқида бир хилда ишлатилмайди. Сўз бошида **й** товуши келадиган сўзларда **й** товуши қўлланмай унинг ўrniga **ж** товуши ишлатилади. Шу сабабли шеваларимизни олимлар иккига: **й**-ловчи ва **ж**-ловчи гуруҳларга ажратадилар. **Ж**-ловчи шевага қипчоқ вакиллари нутқи киради.

Шунингдек, бадиј нутқда, айниқса достонлар тилида сўз бошида **ж** ундоши ишлатилган сўзлар кўп учрайди: *Равшанхон журиб-журиб, бир жерга жетканида ҳолдан тойиб қолди* (Равшанхон).

Достонлар тилида сўз бошида **й** ундошининг **ж** товушига алмаштириб кўлланиши нафақат достон қаҳрамонлари нутқида, балки баҳшилар нутқида ҳам учрайди. Бу ҳол мазкур баҳшининг қайси шева вакили эканлигини кўрсатувчи қўшимча белги, маъно деб ҳисоблаймиз.

Инглиз тилидаги **f**, **b** фонемалари ҳам шеърий мисраларда кетма-кет келиши натижасида оҳангдорликни юзага келтиради. Қуйидаги шеърий парчада сўзлардаги **f**, **b** товушларининг кетма-кет келиши, Африка бўйлаб солдат (аскар) ларининг марш қилиши оқибатида пайдо бўладиган товушларда китобхоннинг эшлиши қобилиятига таъсир этиш ва бой товуш пейзажини яратиш мақсадида фойдаланилади.

Масалан: We are foot – slogan - slogan - slogging,

Foot, - foot - foot – slogging over Africa.

Boots – boots - boots – boots.

Moving up and again (R. Kipling).

Демак, бир товушнинг нутқда такрор келиши таъсир этиш, диққатни жалб қилиш, мусикийлик каби қатор коннотатив маъноларни ифодалайди. Худди шунингдек, товушга тақлид сўзлар орқали ҳам коннотатив маънолар ифодаланади. Жумладан, [s] товушининг такори дераза пардасининг шарпасини эслатади ва тингловчининг диққатини ўзига жалб қиласи.

Масалан: And the silken, sad uncertain rustling of each purple curtain.

Ушбу ҳолат диққатни тортиш, хис-хаяжон, роҳатланиш, завқланиш каби коннотатив маъноларни ифодалайди. Шунингдек, жарангиз **f** ундошини иккилантириш орқали қатор коннотатив маънолар ифодаланади.

It's filthy – f-f-filthy.

Қўшимча маъно бўёқлари сўз таркибида иккита бир хил жарангли ёки



сонор ундош товушлар жуфт холда талаффуз этилган сўзларда очиқ кўринади: *лаббай*, *муҳаббат*, *муқаддас*, *мусаллас*, *мукаррам*, яъни ундош товушларда кўшимча маъно ҳосил бўлади. Бундай кўшимча маъно худди сўзлар кўшилмасида намоён бўлганидек ундошнинг мағзизда бўлмай, балки бир хил ундош товушни бир сўзда иккилантириб айтиш ва ёзиш орқали юзага келтирилади. Масалан, *нима?* сўроқ олмошидаги **м** ундошини бир ўринда иккилантириб *нимма* тарзида айтиш ва ёзиш қуидаги коннотатив маъноларни юзага келтиради: тасодифийлик, қўрқинч, ҳадиксираш, ажабланиш, ғазаб, ёмон кўриш, уялиш, ўнғайсизлик, тўлқинланиш, ҳайрон қолиш, жазава, кучли ҳис-ҳаяжон каби.

Кўринадики, ундошларни иккилантириб айтиш орқали сўзда денотатив маъносидан ташқари, қатор коннотатив маънолар ҳам ифодаланади. Буни яна қуидаги матн мисолида яққол кўриш мумкин: Автобус ўриндиғида ёнмаён ўтирган қизга бир нотаниш йигит тўсатдан: “Мен сени севаман”, - дейди. Унга ҳайрон қолган қиз: - *Нимма?* - дейди.

Нимма сўзида **м** ундошини ёнмаён икки марта қўллайди.

Юқоридаги нутқ парчасида *нима?* сўроқ олмошининг денотатив маъноси гапда сўроқ мазмунини англатади. Бу сўроқ олмоши таркибидаги **м** товушини иккилантириб айтилиши орқали эса унда юқорида қайд этилган коннотатив маънолардан бир нечтасини кўриш мумкин.

Маълумки, сонор ундошларда шовқинга нисбатан овоз устун бўлганлиги учун уларда оҳангдорлик ҳам ифодаланади. Шу сабабли **м**, **и**, **иғ**, **л**, **р** товушлари иштирок этган сўзларда кўшимча эмоционал таъсирчанлик сезилиб туради. Масалан, *монг*, *онг*, *бонг*, *лола*, *бола*, *момо* сўзлари талаффузида нутқий майнинлик, ёқимлилик, оҳангдорлик кучли акс этганлигини кўриш мумкин. Худди шунингдек, сўзлар соғ унли, жарангли ва сонор товушлар йиғиндисидан ташкил топган бўлса, уларда коннотатив маъно янада юксак даражада ифодаланади.

Инглиз тилидаги матнларда ҳам персонажнинг бирор ҳолатдан норозилигини ифодалашда **м** ундошини иккилантириб айтилиши ва ёзилиши орқали қатор коннотатив маънолар ифодаланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, норозилик, ишончсизлик, иккиланиш ва ҳоказо. Масалан, There was a gastrectomy scar, about six months old. “*Umm, I said I scratched my head.* (“Doctor at Large” by R. Gordon).

Инглиз тилидаги тақлидий сўзларда унлини чўзиш ва ундошни иккилантириш орқали қатор коннотатив маънолар ҳосил бўлади ва оҳангдорликни пайдо қиласи. Масалан, *ding-dong* – *ding-doooong*; *моо-мооо*; *mew-mewww*; *purr-purrrr*;

Нутқий мулоқотда, жарангсиз **к**, **қ**, **ф**, **ҳ** фонемалари алоҳида хусусиятга эга. Мазкур ундошларда овоз кучли эмас, жарангсиз, уларда қаттиқ ва юмшоқлик мавжуд. Ана шу бўёқ, яъни қаттиқ ва юмшоқ талаффуз ёқимли ёки ёқимсизлик кўшимча маъносини ҳосил қиласи. Чоғиширинг: *тилак*, *билак*; *қарга*, *бақа*, *тақа*. Инглиз тилида ҳам *dog*, *garden*, *hand*, *fence* сўзларидаги **d**, **g**, **h**, **f** каби товушлар ҳам қаттиқ, ҳам юмшоқ вариантларга эга бўлиб, кўшимча маъно бўёғи ҳосил қиласи.

Антрапонимия илми бўйича йирик мутахассис профессор Э. Бегматов таркибида жарангли ва сонор ундошлар бўлган киши исмлари ўзининг жарангдор оҳангта эгалиги ва кўшимча хиссий таъсирчан бўлишини қайд қилган эди [3; 50].

Дарҳақиқат, қуидаги исмлар таъсирчан ва ёқимлилиги билан ажralиб туради. *Анора*, *Лола*, *Гулнора*, *Байрам*, *Нодира*, *Гулноза*, *Озода* каби. Инглиз тилидаги қуидаги исмларда ҳам таъсирчанлик ва ёқимлиликни кўриш мумкин: *Will*, *Lily*, *Mary*, *Carry*.

Юқорида қайд қилинган атоқли отлар аслида турдош отларнинг кўчма маъно ифодалashi асосида яратилган. Назаримизда, бунда, энг аввало, шу турдош отларнинг вужудга келишида, улар таркибидаги унли ва жарангли ва сонор



ундошлардаги оҳангдорлик, жаранглилик мавжудлиги сабабидир.

Кейинги давр тилшунослигига фоностилистиканинг бир бўлими фонопрагматика ҳақида ҳам фикр юритилмоқда. Нутқда товуш ҳамда оҳангларни маълум яшириш мақсад билан қўлланиши натижасида муаллиф муносабатнинг ифодаланиши фонопрагматик таҳлил обьекти ҳисобланади. Лексема семасида прагматик семанинг ҳосил бўлишида фонетик ўзгаришлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу товуш ўзгариши, товуш орттирилиши, товуш тушиши, товуш иккиланиши ҳодисалари билан юзага чиқади. Лингвистик бирликлар таркибидаги товушларнинг ўзгариши натижасида ҳосил бўлувчи маъноларни фонопрагматика йўналиши тадқиқ этади [4; 32]. Инглиз ва

ўзбек тилларидаги нутқий мулоқотда фонопрагматик муносабатлар натижасида ҳосил бўладиган коннотатив маънолар ҳақида навбатдаги ишларимизда фикр юритамиз.

Шундай қилиб, коннотатив маъно фонема семантик структурасининг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар иккала тиллардаги коннотатив маъно унли ва ундош фонемаларнинг вариантларида ёрқин намоён бўлади.

Унли фонемаларнинг просодик хусусиятларга эгалиги уларда коннотатив маънонинг янада кучли ифодаланишига сабаб бўлади.

Таржимашуносликда юқорида қайд қилинган ҳолатлар инобатга олинса, бадиий асарлар таржимаси ширали, бадиий таъсиран ва ўқимишли бўлади.

Адабиётлар:

- Сапарова Қ. Фоностилистика, фоностилема ва талаффуз услублари // Тил ва адабиёт таълими. 2000. – Б. 36.
- Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Бухоро. 1999. – Б. 45.
- Бегматов Э. Исм чиройи. – Т.: “Фан”, 1994. – Б. 50.
- Ҳакимов М., Ҳакимова М. Фонопрагматикани юзага чиқарувчи воситалар. Стилистика ва прагматика. Илмий-назарий конференция материаллари (II қисм). Самарқанд-2010. – Б. 32.

Норова М. Коннотативные значения в произношении звуков речи. В статье проводиться сравнительный анализ выражения коннотативного значения в произношении звуков речи в английском и узбекском языках.

Norova M. Connotative meanings in the pronunciation of speech sounds. The article provides comparative analysis of the connotative meaning in the pronunciation of speech sounds in the English and Uzbek languages.